ТАРИХ ФАНИНИ ЎҚИТИШНИНГ АЙРИМ МЕТОДОЛОГИК МУАММОЛАРИ

Шохруҳ Абдиев
Чирчиқ давлат педагогика институти

Ахрор Қурбонов
Чирчиқ давлат педагогика институти

АННОТАЦИЯ

Мазкур илмий мақола тарих фанининг баъзи методологик муаммоларини, ўрта мактаб тарих таълими, ундаги юз берган ўзгаришлар, тарихни ўрганишнинг аҳамияти ҳақидаги қарашларни ўз ичига олади. Шунингдек, мактаб тарих таълимининг замонавий концепцияси, Ўзбекистон тарихини ўрганишдаги илмий, методологик масалалар асосий ўрин тутади.

Калит сўзлар: тарих фани методологияси, тарих тамойиллари, тарихий тафаккур, тарих таълимининг замонавий концепцияси.

SOME METHODOLOGICAL PROBLEMS OF TEACHING HISTORY

Shokhruh Abdiev
Chirchik State Pedagogical Institute

Akhror Kurbonov
Chirchik State Pedagogical Institute

ABSTRACT

This scientific article covers some methodological problems of history, views on high school history education, changes in it, the importance of studying history. Also, the modern concept of school history education, scientific and methodological issues in the study of the history of Uzbekistan play a key role.

Keywords: methodology of historical science, principles of history, historical thinking, modern concept of history education.

КИРИШ

Мустақилликнинг биринчи кунларидан ижтимоий-гуманитар фанларда туб ўзгаришлар даври бошланди. Тарих фанини тадқиқ этиш ва ўқитишда янги методология кириб келди. Жаҳон тарихи фанида эътироф этилган холисийлик, илмийлик, тарихийлик ва муқобиллик тамойиллари тарихни тадқиқ этиш ва ўқитишда тадбиқ этила бошланди. Тарих таълими мазмун-моҳиятини замон руҳида ўқувчиларга етказиш учун ўқув-методик мажмуа янгиланди. Ўрта мактаб учун тарих фанидан янги дарсликлар яратилди. Бугунги кунда ўрта мактаб тарих ўқитувчиси самарали таълим бериши учун назарий ва амалий жиҳатдан етарли

билим ва малакага эга бўлиши лозим. Бу борада биринчи президентимиз И.Каримов шундай таъкидлаган эди: чуқур таҳлил, мантиққа асосланмаган бир ёқлама фикр одамларни, энг аввало тарих ўқитувчиларини чалғитади. Улар эшитганларини ҳақиқат шу экан деб ўқувчиларга ҳам етказишади, фақат баҳс-муназара, таҳлил меваси бўлган хулосаларгина бизга тўғри йўл кўрсатиши мумкин. Ўрта мактаб тарих таълими илмий-тарихий тушунчалар ва улар орасидаги боғланишлар, алоқалар тизимидан иборат. Шу жиҳатдан олганда, у тарих фани асосларини ўрганиш, уни пухта ва онгли ўзлаштириш, ушбу фаннинг илмий тушунчаларини ўзлаштиришни билдиради. Тарих курсини онгли ва фаол ўзлаштириш, албатта, ундаги илмий тушунчаларга мос атамалар тизимидан тўғри фойдаланишни назарда тутади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Агар ўтмишга назар ташлайдиган бўлсак, ўқитиш методларини танлаш муаммосига Я.А.Коменский, И.Песталоцци, А.Дистервег, К.Д.Ушинскийлар маълум даражада эътибор беришганди. Я.А.Коменский ўқитиш методларига ғоят катта аҳамият бериб, агарда билим чўққиларига жуда озчилик қийинчилик, минг азоб билан етиб борар экан, бунинг сабаби инсоният эриша олмайдиган бирор нарсанинг мавжудлигида эмас, балки методларнинг чалкашлигидадир, деб ҳисоблаганди. У билиш қобилиятини юзага чиқара оладиган усулларга риоя қилишни ва уларни шароитларга қараб қўллашни талаб этганди.

Республикамизда тарих фанини фалсафий ёндашув асосида тадбиқ қилиш Н. Жўраев томонидан тақдим қилинган. Тарих фанини ўқитишнинг услуби бўйича эса Т.Тошпўлатов ва Я.Ғаффоровлар томонидан тақдим қилинган ўқув-услубий, дидактик таъминот ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

МУҲОКАМА

Тарих фанининг мактаб курси учта вазифани бажаришга қаратилган:

- ўқувчиларга тарихий билимларнинг асосларини бериш, уларнинг чуқурлиги ва мустаҳкамлигини таъминлаш;
- ўқувчиларда тарихни илмий тушунишнинг шаклланиши ва миллий тарих,
- хорижий мамлакатлар ва халқлар тарихига ҳурмат муносабатида бўлишни таъминлашга;
- ўқувчиларда тарихий онг, тарихий хотира, тарихий тафаккурни ривожлантириш ва ўқувчиларнинг билимларини мустақил ўзлаштириш ва қўллашга ўргатишдир.

Ўқувчиларнинг тарихий тафаккури уларнинг умумий дунёқарашининг шаклланиши билан биргаликда боради. Ўқувчиларнинг дунёқарашида тарихий тафаккурнинг ривожланиши унинг амалий фаоллигини таъминлайди. Яъни, тарихан дунёда мавжуд бўлган фан-техника янгиликларини ўзлаштириши билан ўз фаолиятида янгиликка интилиш ўзида яратувчанлик фаолиятини шакллантиради. Ўқувчи тарих фанидан билимлар асосини ўзлаштирганда миллатимиз ва бошқа халқларнинг ўтмиш, кеча ва бугунги тараққиёти тўғрисида тушунчага эга бўлади. Тарих таълими ҳар бир одамга этномиллий, умуммиллий ва умуминсоний қадриятларни ўзлаштиришга ёрдам бериши лозим. Бу ўқувчини шахс, фуқаро, инсон сифатида шаклланишига асос бўлади. Ўқувчилар Ўзбекистон тарихи фанини ўрганиш давомида умуминсоний қадриятларни ўзлаштириб боради. Тарих дарслари ўқувчиларга тарихий билимларни етказиб берувчи воситагина эмас, балки уларнинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан шаклланиб боришларини таъминловчи кучли таъсирга эга бўлган омил ҳамдир. Мактаб тарих таълимининг замонавий концепцияси тарихни тизимли ўрганишни сақлаб қолади. Лекин тарих унинг тамойиллари асосида ўрганилади. Тарих ўқув фани ўрта мактабда гуманитар фанларнинг ривожланиши учун методологик шарт-шароит яратади. Тарих фанининг маълумотлари, тушунчалари, атамалари ва тамойиллари бошқа фанларда ҳам кенг қўлланилади, ўз навбатида тарих фанида бошқа фанлардаги тушунча, атамалардан фойдаланилади.

Тарих фани бошқа ижтимоий гуманитар фанлардан фарқ қилади ва алоҳида мавқега эга. Албатта у бошқа ижтимоий фанлар, фалсафа, иқтисодиёт назарияси, социология, сиёсатшунослик ва бошқалар билан алоқада бўлади. Ҳозирги кунда тарих фанининг фанда эътироф этилган хилма-хил назарияси ва концепциялари кўпчилик ҳукмига ҳавола қилинмоқда. Ўқитувчи тарих фанига тегишли барча эътиборга молик назария ва концепцияларни изчил ўрганиши ва тадқиқот ўқув жараёнига самарали тадбиқ этиши лозим. Тарих ўқитувчиси тарихий назария ва концепциялардан ҳар бир мавзуни ўрганишда қўллаши мақсадга мувофиқ бўлади. Тегишли назария мавзу билан мос бўлиши учун уни ўқитувчи дарсга тайёрланиш жараёнида таҳлил қилиши ва оқилона фойдаланиш зарур. Шу билан бирга, мавзудаги тарихий маълумот, далиллар билан назариянинг ўртасидаги мувозанат уйғун сақланиб қолишига эътибор берилади.

НАТИЖАЛАР

Мамлакатимизда тарих фанини ривожлантириш соҳасидаги ишлар комплекс ва тизимли давом эттирилмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон тарихини

ўрганишда туб ўзгаришлар юз бермоқда. Ушбу йўналишда қуйидаги илмий, методологик масалалар асосий ўрин тутади:

1. Тарихни ўрганишнинг методологик асосларини ривожлантириш. Бунда тарих методикаси бўйича мавжуд турли хил илмий концепцияларни ўрганиш орқали улардан фойдаланиш.

2. Тарихни ўрганиш учун ишлаб чиқилган ягона концепцияни амалга тадбиқ этиш.

3. Ўрта ва ўрта махсус таълим, профессионал таълим, олий таълим учун яратилаётган дарсликларни янги авлодини ишлаб чиқишда ягона концепцияга таяниш.

4. Тарих фанининг долзарб муаммоларни ўрганишда турли фанларнинг ютуқлари, фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси ҳамда кластер модели асосидаги самарали ҳамкорлик фаолиятини ташкил этиш.

5. Тарих фанини ўрганишга бағишланган илмий-амалий анжуманларни ўтказиш ва фаннинг долзарб муаммоларини ўрганиш жараёнида эришилган ютуқларни мониторингини олиб бориш ва ҳоказо.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, ҳозирги кунда тарих фанининг методик муаммоларидан бири мактабда тарих таълимини замонга мос, ҳозирги тараққиёт талабларига жавоб берадиган концепциясини шакллантириш ва амалга оширишдир. Мактаб тарих таълими ўзининг узоқ йиллар давомида танланган бой тажрибасига эга. Тўпланган тажриба ҳозирги мураккаб даврда тарих ўқитишда муҳим ўрин тутади, ундан унумли фойдаланиш зарур.

REFERENCES

1. Абдурахманова Ж. Н. (2020). Инновацион тажриба майдони – “мактаб–лаборатория”нинг таълим тизимидаги ўрни. Муғаллим ҳем ўзликсиз билимлендири. (Issue 1) –Б. 22-26.
2. Gafforov Ya. X. (2019). THE STATE OF HUSTORICAL EDUCATION IN UZBEKISTAN DURING WORLD WAR II. USA(Philadelphia) . -P. 173-175.
3. Botir Boltabaevich Baymetov, Khusan Kholmuratovich Muratov. Self Sketches as a Tool in the Professional Training of a Future Artist-Teacher. Solid State Technology. 2020/2/29. Vol.63 № 2 (2020). 224-231.
4. G'afforov, Y., Nafasov, A., & Nafasova, Z. (2020). From the History of the Beginning of the "Great Game". Journal of Critical Reviews, 7(11), 2798-2802.
5. Тошев, С. (2020). Ўзбекистоннинг совет мустамлакачилиги даври тарихини ўрганишда турк тилидаги манбаларни ўрни. In Тарихий манбашунослик, тарихнавислик, тарих тадқиқотлари методлари ва методологиясининг долзарб масалалари (pp. 121-127)

6. JI Suyundikovich. (2020). TARIXNI O'QITISH METODIKASI RIVOJLANISHI TARIXIDAN. Fan va ta'lim, 1 (5), 195.
7. Mardonov, Sh., Toshtemirova, S., Ahmadjonov, B., & Koshanova, N. (2020). Structure and Mechanisms of Action of The Educational Cluster. International Journal of Psychological Rehabilitation, 27(07), 8104-8111.
8. Toshev S. (2020). TARIX FANINI O'QITISHNDA ZAMONAVIY YONDASHUVLAR. Science and Education, 1(Special Issue), 6
9. Usarov Djabbar Eshkulovich, & Suyarov Kusharbay Tashbaevich. (2020). Developing Pupils' Learning and Research Skills on the Basis of Physical Experiments. *International Journal of Psychosocial Rehabilitation*, *24*(02), 1337-1346.
10. Toshtemirova, S. (2020). Factors Affecting the Quality of Education and the Importance of the Education Cluster to Address Them. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences*, *8*(4), 151-156.
11. Абдурахманова Ж. Н. (2019). Тарих фанини ўқитиш усуллари ва уларнинг самарадорлиги // Ta'lim, fan va innovatsiya. T.: 1(4), 35-39.
12. G'afforov, Y., Nafasov, A., & Nafasova, Z. (2020). From the History of the Beginning of the "Great Game". Journal of Critical Reviews, 7(11), 2798-2802.
13. Toshtemirova, S.A. (2019). Klaster yondashuvi asosida mintaqaviy ta'lim tizmini boshqarish. *NamDU ilmiy axborotnomasi*, *1*(11), 361-367.
14. Gaffarov, Y. (2019). Technical approach in the education system. International Journal on Integrated Education, 2(6), 40-41. Retrieved from http://journals.researchparks.org/index.php/IJIE/article/view/195
15. Абдурахманова, Ж. Н., Тоштемирова, С.А. (2020). Инновацион технологиялар ва ахборот маданиятини шакллантириш педагогиканинг долзарб масалаларидан бири. *Science and Education*, *1*(Issue 7), 436-442.
16. Matchonov S. (2020). Adabiyot darslarida Tahlil va talqin uyg'unligi // Til va adabiyot ta'limi. 7-son. –B. 8-11.
17. Abdurakhmanova, J. N. (2020). The policy of tolerance in Uzbekistan (in the case of Greeks). International Journal on Integrated Education, 2(5), 212.
18. Toshtemirova, С., Жолдасов, И. (2019). Білімді адамгершілікке баулу идеясының қажеттігі // "Actual problems of society, education, science and technology: status and prospects of development" collection of scientific papers of the ii international scientific-practical conference. Актубе. P. 17-23.
19. Shukurullo Mardonov. Art Pedagogical and art therapeutic technologies in the art classes. *International Journal of Research in Economics and Sosial Sciences*, *10* (Issue 6), 26-36.
20. Тошев, Солежон Аҳматжонович. (2020). Ўзбекистон совет мустамлакачилик даври тарихининг Туркияда ўрганилиши. Ўтмишга назар.2(2-махсус сон). 347-353
21. Jabbor Usarov. (2019, June). Using Teaching Methods for Development Student Competencies. International Journal of Progressive Sciences and Technologies, 15(1), 272-274.
22. Ahmadjanov D.B. (2020). O`zbekistonda ijtimoiy-gumanitar fanlar tizimining rivojlanishdagi xususiyatlari. Toshkent davlat pedagogika universiteti ilmiy axborotlari. 8. 104-109.